

## МАХДУМИ АЪЗАМНИНГ “РИСОЛАИ БОБУРИЯ” АСАРИДАГИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

**Нодирбек Уроқов**

Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтиришда асосий омиллардан ҳисобланган маънавий мерос, маданий бойликларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Шу жиҳатдан ушбу мақолада Маъдуми Аъзамнинг «Рисолаи Бобурия» асаридаги маънавий-ахлоқий қарашларини ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

**Калит сўзлар:** маънавият, Махдуми Аъзам, «Рисолаи Бобурия» асари, маънавий, ахлоқий, тасаввуф.

### SPIRITUAL AND MORAL VIEWS OF MAHDUMI AZAM IN "RISOLAI BOBURIYA"

### ABSTRACT

Today, the spiritual heritage, which is one of the key factors in the comprehensive development of our national spirituality, has radically changed the attitude to our cultural riches. In this regard, this article has tried to shed light on the spiritual and moral views of Madumi A'zam in his work "Risolai Boburiya".

**Keywords:** spirituality, Makhdumi A'zam, «Risolai Baburiya», spirituality, morality, Sufism.

### КИРИШ

Ўзбекистон тараққиёти бугунги янги босқичда амалга оширилаётган ислохотларда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётгани ва бу соҳада тарихий хотира аҳамиятининг ошаётганлиги, юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш, инсон омили, инсон капиталини ривожлантириш стратегик мақсадлардан биридир. Ушбу мақсадларга эришиш учун буюк аждодларимизнинг тарихий-маданий ва ижтимоий-алоқий меросини чуқур ўрганиш, ундаги инсонпарварлик ғояларидан унумли фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи мартаба:

“Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман”, деб таъкидлагани бежиз эмас. Чунки Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган.

Шунингдек, шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари ўзини барча соҳаларда намоён этмоқда. Бинобарин, мустақилликка эришган йилларимизнинг илк даврида биз ўзимизнинг миллий ўзликимизни англаш, бой тарихий-маънавий ҳамда илмий меросимизнинг асл мазмун-моҳияти мағзини чақиш ва уни рўёбга чиқаришга интилган бўлсак, эндиликда халқимиз жипсланиб «миллий тикланишдан – миллий юксалиш» ғоясини амалга оширишга киришди. Бу даврда жамиятимизда ижтимоий тафаккурнинг юксалиш тенденцияси қарор топиши, унга хос ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларнинг мужассамлиги эътироф этилмоқда. Айниқса, маънавият республикада ислохотларни амалга оширишнинг муҳим омили ва зарур эҳтиёжи сифатида давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Мутасаввифнинг шахсияти ва ижодий фаолияти тарихининг барча даврларида турлича таҳлил қилиб ўрганиб келинган. Маҳдуми Аъзамнинг таржимаи ҳолини ўзида мужассам этган илк асарлардан бири “Анис-ат-толибин”дир. Ушбу асар бухоролик сўфий шоир Қосим ибн Муҳаммад томонидан ёзилган.

Шунингдек, кейинги даврларда Маҳдуми Аъзамнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Муҳаммад Муфти Оҳангароний, Муҳаммад Мусо ад-Дехбедий, Муҳаммад Раҳим, Мулла Абдулҳаким Самарқандий, Абу Тохирхўжа ва бошқаларнинг асарларида турли маълумотлар мавжуд. Шунингдек, Б.Валихўжаев, А.Зоҳидий, Н.Жабборов, Музаффар Аҳмад, Г.Наврўзова, А.Нуриддинов, Х.Самадов кабилар томонидан нашр этилган мақолаларни киритиш мумкин. Ушбу илмий мақолаларда алломанинг “Миръот ус-сафо”, алломанинг ижтимоий адолат масаласи, оилани мустаҳкамлаш, инсон ва унинг руҳий камолати ҳамда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари таҳлил этилади.

Шу билан бирга, алломанинг илмий мероси ва тасаввуфий қарашларини моҳияти ҳақида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борада, Илёсхон

Ғозий, К.Каттаев, Н.Жабборов, Б.Тўраев, А.Хўжаев, С.Мансуров, Э.Зоировларнинг изланишларини айтиш мумкин.

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли методлардан фойдаланилди.

## НАТИЖАЛАР

К.Каттаевнинг “Маҳдуми Аъзам ва Дахбед тарихи” асари Маҳдуми Аъзам ва Бобир мирзо тарихи ва муаммолари кўтарилган мамлакатимиздаги илк ёзишмалардир.

Б.Тўраевнинг 2020 йилда “Маҳдуми Аъзам (ҳаёти ва илмий-маънавий мероси)” рисоласи нашр этилди, унда улуғ мутафаккир ҳаёти, илмий ва ижодий фаолияти ҳақида ёритилган.

Алломанинг тасаввуф тариқатига оид “Рисолаи Бобурийя” (Бобурга аталган рисола) асари ўзбек тилидаги таржимаси 2020 йил нашр этилди. Шунингдек, Маҳдуми Аъзамнинг “Асрору-н-никоҳ” (“Никоҳ сирлари”), “Чахор калима” (“Тўрт сўз”), “Баттихия” (“Қовун ҳақида ҳикоя”), “Зубдат ус -саликин” (“Солиҳлар моҳияти ва султонларга насиҳат”), “Илмия” (“Илм рисоласи”), “Шарҳи рубойиёти Убайдий” (“Убайдий рубойларининг шарҳи”) асарларининг айрим қисмлари ўзбек тилига таржима қилинган, баъзилари эса қисқача таҳлил қилинган.

## МУҲОКАМА

Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик давридан буён маънавий кадрият асаслари бўлган буюк алломаларимиз хотиралари тикланмоқда, асарлари таржима қилиниб, нашр этилмоқда, уларга бағишланган анжуманлар ўтказилмоқда.

Маҳдуми Аъзамнинг «Рисолаи Бобурия» асари Ҳиндистон подшоҳи Бобир Мирзонинг илтимосномасига кўра ёзилган рисола бўлиб, унда турли тариқатларда амалга ошириладиган зикр масаласи устида мушоҳадалар юритилади. Жумладан, профессор Б.Тўраев фикрича, ушбу рисола “З.Бобурнинг Хожа Аҳрор Валининг “Рисолаи волидия” асарини туркий тилга таржимаси ва Маҳдуми Аъзамга мактуб йўллашига жавобан ёзилган” [4, 21]. Дарҳақиқат, ушбу асарнинг аҳамияти шундаки, унда инсонларни адолатга, ҳалолликка, сабру қаноатга, кўнгил ва нафс тозалигига, бировни ҳақини емасликка ва асосийси халқ манфаати йўлида келишувчиликка чақиради. Шу

жиҳатдан ҳам ушбу асар нафақат ўзининг даврида балки ҳозирги даврда ҳам ёшлар тарбияси ва маънавиятини ривожлантиришда долзарб ҳисобланади.

Рисола ҳамду сано билан бошланган, бу эса ўша даврга хос бўлган хусусиятдир. Яъни, Шарқ алломалари ўз асарларини ҳамду сано билан бошлаганлар, асл мақсадга келганларида баъд (шундан сўнг) жумласини албатта ишлатганлар. Шу билан бирга, рисоланинг ёзилишидан мақсад Бобур мирзонинг илтимоси эканлиги ҳам таъкидланади. Яъни, ушбу рисоланинг ёзилишига сабаб бўлган Бобурмирзога шундай таъриф берилади “ҳазрати салтанат шоир, Худонинг мақбул бандаси, дарвишлар мухлиси ва эътиқодманди, балким маҳбубул-кулуби (кўнгилларнинг севгани)” [3, 58]. Дарҳақиқат, ўша даврда мискинлар кўнглидан жой олган кишиларнинг номини тилга ойиб аташ одобдан эмаслиги таъкидланади, яъни

Он, ки дорад миёни жони мискин,

Аз адаб нест номи ў бурдан [3, 58].

Албатта, ушбу мисрадан кўриниб турибдики, унда улуғ инсонларни ҳурмат қилиш, одоб ахлоқ қоидаларига риоя этиш каби ғояларни ўз ичига олади.

Рисолада яна Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни фуқароларнинг озод ва эркинлигидан хабардор бўлган киши сифатида таъкидлайди, яъни

Он, ки зи хуррияти фуқаро огоҳ аст,

Хожаи Аҳрор – Убайдуллоҳ аст[3, 58].

Дарҳақиқат, “Рисолаи Бобурийя” асарида инсон кўнглига таъсир қила оладиган ғоят чиройли назмлар ва сўзлар орқали асосий ғоя баён этилади. Яъни, унда Бобур мирзо ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор орасидаги тушунмовчилик, бир бирига бўлган душманли муносабатлари сабабли юзага келган нохуш вазиятларни юмшатиш, муроасага келтиришга оид фикрларни учратиш мумкин. Ваҳоланки, бу икки инсон ҳам Маҳдуми Аъзамни муридлари ҳисобланган. Шунингдек, Бобирмирзонинг ёзган мактубидаги дардларни Маҳдуми Аъзам тушуна олган ҳамда шу дардга малҳамни рисоладаги фикрлари орқали етказишга ҳаракат қилган. Шу сабабдан ҳам Маҳдуми Аъзам ушбу рисолаи ёзиш орқали улар орасидаги келишмовчиликка барҳам этишга оид фикрларини билдириб ўтади.

«Рисолаи Бобурийя» ўз замонасида «фавқулодда инқилобий рол ўйнаган асарлар сирасига киради. Нега деганда, ўша даврларда Нақшбандия ва Яссавия тариқати орасидаги жаҳрий ва хуфий зикрлар масаласи туфайли икки тариқат орасидаги вазият таранглашган бўлиб, агар бу масала сиёсат даражасигача

кўтарилса, давлатда катта можароларга сабаб бўлиши мумкин эди (худди, калом илмида Қуръоннинг махлуқ ё эмаслиги тўғрисидаги тортишувлар каби)” [5, 351]. Дарҳақиқат, ана шундай вазиятда Махдуми Аъзам асарда хуфия ва жаҳрия зикрларининг ҳар иккисини жоизлиги борасида илк марта илмий асосда таҳлил қилади. Бу эса ўша давр муҳитини инобатга оладиган бўлсак, бу жуда катта қаҳрамонликдир. Шундай қилиб, Махдуми Аъзам Хожагон-Нақшбандия тариқати ақоиблари орасида биринчи бўлиб жаҳрия тариқати зикрини илк асар ёзиб эътироф этган ва ҳурматини жойига қўйган аллома ҳисобланган.

«Рисолаи Бобурия» асарида Махмуди Аъзам «тангри - тоқдир, тоқни севади» деган хикматни изоҳлаб, зикр чоғида калималар қандай талаффуз этилиши ва уларни зикр этиш тартибини кўрсатиб беради [3, 98].

Сўнгра нақшбандия тариқати асосида уч вукуф (билиш, тушуниш) - вукуфи ададий, вукуфи замоний ва вукуфи қалбийни тавсифлаб, уларнинг шартларини таъкидлайди. Хусусан, биринчи шарт – “дилдан дилга айтсин, меъдага қарата айтмасин, натижа бермайди” [3, 99]. Бу ерда дилдан дилга айтсин дегани, чин юракдан юзма юз турган ҳолда гапириш назарда тутилади. Дарҳақиқат, ушбу фикрлар орқали ёшларга инсонларни орқасидан гапирмай балки юзига қандай фикри (гапи) бўлса айтиш зарурлиги таъкидланади.

Юқорида таъкидланган шартлардан бири бу – “ножинс одамларнинг суҳбатидан қочсин” [3, 99]. Бу иборани қуйидаги байт орқали ифодалайди:

Нахост мавъизата сирри суҳбат ин харфаст,  
Ки из мусоҳиб ножинс эҳтироз кунед.

Мазмуни: Суҳбат сиридаги илк панд шу сўз, яъни ножинслар суҳбатидан эҳтиёт бўлинг.

Албатта, бу фикрлари орқали ёшларни одобли, ахлоқли, илмли, яхши инсонлар билан суҳбат қуриш уларнинг ҳаётидаги мақсадларига эришишда тўғри йўл кўрсатишини, акс ҳолда эса ҳаётларини барбод этишлари мумкинлигини таъкидлайди.

Рисолада таъкидланган бешинчи шарт – “луқмасига ниҳоятда эҳтиёт бўлсинки, луқма ҳаром ва шубҳали бўлмасин, чунки луқманинг дилга кучли таъсири бор. Агар тоза бўлса, тоза, агар ифлос бўлса, ифлос таъсир қилади” [3, 99].

Ҳамда қуйидагича байт орқали ифодалайди:

Луқма тухм асту бурраш андишаҳа,  
Луқма баҳру гавҳараш андишаҳа.  
Ҳар жински, карй ҳам ан он бадравй,

Гар нек марав, роҳе бирав, тухми бад макор.

Тухми нароканда, ки дар гил бувад,

Тухми парокандагӣи дил бувад [3, 100].

Мазмуни: луқма уруғ бўлса, дони фикрлардир, луқма денгиз бўлса, марваридлар фикрлардир. Нимани эксанг, ўшани оласан, қайси йўлдан юрсанг ҳам, асло ёмон уруғ экма. Тупроққа сочилган уруғ пароканда бўлса, бу дил уруғининг парокандалиги бўлади.

Дарҳақиқат, ушбу шарт ҳамда байтда келтирилган фикрлар маъноси жиҳатидан бизга катта хикматдир. Чунки инсон ҳар бир ишини ҳалол ва виждонан қилиши, бировнинг ҳаққини емаслик, ҳалол меҳнат қилиб оиласини боқиши, ўғрилиққа ва коррупция йўл қўймаслик, бошқаларга қўлидан ва имконидан келиб чиқиб яхшилик қилиш, фарзандларига ибрат бўлиш каби яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштириши лозим. Бу эса ёшларга ва фарзандларига ҳалоллик ва поклик орқали инсон ривожланиши, ўғрилиқ ва ҳаром нарсалар инсонни тубанликка олиб боришини тушунтириш зарур.

Хазрат Маҳдуми Аъзам тавба ва надомат (пушаймонлик) ҳақида сўз юритиб, Убайдулло Баходурхоннинг куйидаги шеърини тилга олади:

Дар хавои нафси гумрах, умр зоиъ кардаийм,

Пеши ахтуллох аз атвори худ шармандаийм.

(Таржимаси: адашган нафс куйига тушиб, умрни беҳуда ўтказганмиз. Энди тангрининг муҳарраб бандалари хузурида ўз қилмишимиздан шармандамиз.) Шундан сўнг муаллиф «Сенинг мавжудлигинг шундай бир гуноҳки, бошқа ҳеч қандай гуноҳни у билан таққослаб бўлмайди» деган суфиёна ҳикматни ва «ўз руҳимдан унга (одамга) дам солдим», «барча мўминлар бир-бирларига оға-инидирлар» дейилган оятларни ва «ҳар ким ўзини бир қавмга ўхшатса, ўша қавмдан ҳисобланади» деган ҳадисни изоҳлаш жараёнида бот-бот Убайдуллохон (Убайдий) шеърларини мисол ва далил ўрнида зикр этади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг тасаввуф тариқатларига йўналтирилган «Рисолаи Бобурия» асари ўша замон мутасаввуф олимлари, пиру муршидларига қўлланма сифатида ёзилган бўлса-да, тарихий келиштирувчиликни амалга ошира оладиган асосан икки шахсга - Бобур мирзо ва Убайдуллохонларга ҳам мўлжалланган. Умуман олганда, рисола матнида кўпгина ирфоний атамалар, тасаввуфий истилохлар, суфиёна сўзларнинг

маъноси ёритиб берилди. Шунингдек, Куръон оятлари, пайғамбар ҳадислари тасаввуфий таълимот қоидаларига мос ҳолда тафсир этилган. Шу боис, «Рисолаи Бобурия» ирфоний, таълимий ва тарихий тариқат усулларини изохлаб бериш, Бобурнинг ушбу тариқат арбоблари билан алоқасини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар форумида сўзлаган маърузаси Тошкент 2020 й.
3. Маҳдуми Аъзам Дехбедий. Рисолаи Бобурийя. (Бобурга аталган рисола). Бобур номли халқаро фонд. - Тошкент: «Наврўз», 2020. - 132 б.
4. Тўраев Б.О. Маҳдуми Аъзам (ҳаёти илий-маънавий мероси). – Т.: «Инновацион ривожлантириш нашриёт-матбаа уйи», 2020. – 48 б.
5. Каттаев К., Каттаева Г. Қадимий китоблар таржимаси. –Тошкент: «Qaqrus», 2020. 448 б.
6. Самадов Х. Маҳдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни: Автореф. дисс.я.... – Самарқанд, 2018. – 36 б.
7. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: «Адолат», 2001. – 192 б.
8. Г.Ғаффарова, А.Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
9. G. Makhmudova, G. G'affarova, G. Jalalova (2020). O'zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
10. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilitation. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
11. Gaffarova G.G., Abdullayeva M.N. (2020). Tasavvufning kognitiv tizimi zamonaviy falsafa prizmasida. Academic research in educational sciences. №3. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/tasavvufning-kognitiv-tizimi-zamonaviy-falsafaprizmasida> (дата обращения: 15.01.2021).
12. Gaffarova, G.G. (2019), Problems self-organization: philosophical analysis //Scientific Bulletin of Namangan State University. -Т.1. -№5, - С.185-190.

13. Гаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. *Academic Research in Educational Sciences*, 1(3), 102-114.
14. Gaffarova, G. G., & Abdullaeva, M. N. (2021). Cognitive system of sufism. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 02 (94), 38-42.15.
15. Гаффарова, Гулчеҳра Ғуламжановна. (2020). Когнитив жараёнда аутопозис назарияси. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. 193-196